



Ishonch

Эркинлик
қонун йўл
қўйган барча
нарсаларни
қила олиш
ҳуқуқидир.
Ш. МОНТЕСКЕ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш кuni ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 64 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.
2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетини ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилиши-

ни таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус уйрашув ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 15 апрел



Коллеж — билим ўчоғи

Бағдод педагогика коллежи тўрт йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлайди. Мингдан зиёд ёшлар тахсил олаётган мазкур ўқув даргоҳида таълим олиш учун барча шароитлар яратилган. Замон талаблари даражасидаги техника воситалари, ахборот-ресурс маркази, ўқув хоналари улар ихтиёрида. Спорт тўғрисида ҳам мунтазам ишлаб турибди.

Коллежни бу йил ҳар томонлама чуқур касбий билимга эга бўлган 378 нафар ўқувчи битиради. Хозирданқ уларни ишга жойлаштириш чора-тадбирлари кўрилмақда.

Суратда: ўқувчилар ахборот-ресурс марказида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Тақдимот

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида мамлакатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Долзарб мавзуга бағишланди

Китоб мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка атрофлича етказиш лозим. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нафақат давлатлар, корхона, ташкилот, давлат банклари, балки оилага ҳам салбий таъсир этиши мумкин, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти Бозор Тўхлиев. — Шунинг учун китобда инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, уни бартараф этиш омиллари, инқирозга қадар юртимизда олиб борилган пул-кредит ислохотлари ёритиб берилган. Унда, шунингдек, инқирозга алоқадор бўлган амалга оширилган ислохотлар ва инқироз оқибатларини бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш кераклиги батафсил баён этилган.

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Нурулла Насимов ушбу китоб ҳақида гапирар экан, инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида касба уюшмалари олдида турган вазифаларга тўхтади.

Ўз мухбиримиз

Эксклюзив интервью

Спорт: Эътибор ва Эътироф баҳси



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Баҳодир ТОЖИЕВ билан суҳбат

— Бундан кўп йиллар муқаддам Норвегиянинг Лиллехаммер олимпиада кийлигида қўлга киритилган олтин медал билан бошланган зафарли юриш мамлакатимизда спортга бўлган алоҳида эътибор туфайли тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу ғалабаларда касба уюшмалари вакиллари муносиб ҳиссаси борлиги дилга сурур бахш этади. Баҳодир Муҳитдинович, сўзларимиз куруқ бўлмаслиги учун касб байрами қандай кутиб олинаётгани ҳақида муштарийларимизни хабардор қилсангиз.

— Ававалбор, шундай юрда туғилганимиздан, шундай юрда яшаётганимиздан ва шундай юрда муносиб фарзанд бўлиш насиб этганидан минг бор-минг қарра шукроналар айтишимиз лозим. Истиқлол йилларида барча жабҳаларда бўлгани каби спорт соҳасида ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бунинг учун энг нуфузли мусобақалар соҳнасида бир кўз югуртиришининг ўзи қифо. Мисол учун, Афинадаги Олимпиада йўналирида терма жамоамиз бешта медални қўлга киритган бўлса, Пекинда уларнинг сони олтигача өтди. Мухими, ҳар иккала олимпиадада касба уюшма спортчилари ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш эта билдилар.

Хозирги пайтда Ўзбекистон миллий терма жамоалари таркибига 219 нафар спортчимиз киритилган, 225 нафар спортчи номзодлар сафидадир. Албатта, бунинг замирида бошланғич жисмоний тарбия ташкилотларида олиб бори-

лаётган тинимсиз меҳнат ётибди. Мен баъзи рақамларни келтираман, ҳулосасини ўзингиз чиқаринг. Утган беш йил мобайнида 757 минг «Алломиш ва Барчийой» совриндорлари, 260 мингга яқин оммавий разрядли спортчилар, 597 нафар спорт усталари, 95 нафар халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрланди.

Мен жисмоний тарбия ва спортга эътибор бу қадар давлат сиёсатида айланган бошқа бирор мамлакатни билмайман. Юртбошимиз ташаббуси билан «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари ёш авлод тарбиясининг ажралмас бўлагига айланди. Умумхалқ спорт байрами кунинда эса юртимиз бўйлаб югуриш мусобақалари, оммавий спорт тадбирлари, очик биринчиликлар ўтказиш анъана тусини олди. Анъана иштирокчилари йилдан-йилга ортиб бораётгани, айниқса, кишини қувонтиради.

Кези келганда, яна бир нарсага ургу беришим лозим. Кунинг кеча кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган IX халқаро турнир ниҳоясига өтди. У Сурхондарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли «Алломиш» стадионида бўлиб ўтди. Уйингоҳни мусобақага тайёрлаш ва таъмирлаш учун ЎзКУФК томонидан 300 миллион сўм сарфланди. Янгича қиёфа касб этган стадион, ўйлаيمانки, энди аввалгидан-да гавжум бўлади. Бу эса, янги-янги истеъдодлар кашф этилади, деганидир.

(Давоми 3-бетда)

«Ёшлар ва ниҳол»



Тадбир

Тошкент туманида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ёшларда экологик масъулиятни оширишга йўналтирилган Ўзбекистон маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакилиги, туман ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бўлими, Республика ногирон болалар мослашув маркази ҳамда «А. Абдурахмон» фермер хўжаликлари ҳамкорлигида «Ёшлар ва ниҳол» мавзусида маданият-маърифий тадбир ўтказилди.

Ёшларда табиатга бўлган муносабатни шакллантириш ва экологик тоза муҳитни таъминлашда уларнинг муносиб иштирокини таъминлаш тадбирининг асосий мақсади эътиб белгиланди.

Бунинг исботи ўлароқ ўнлаб мевали дарактлар ўтказилди. Боғларда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилди.

Тадбир сўнгисида ёшларнинг турли жанрлардаги мусикали чиқишлари барча иштирокчиларга катта қувонч бахш этди.

Ўз мухбиримиз

Ўқув

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ўқув марказида Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмалари тизимида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ўқув-семинари қизгин фикр алмашувлар руҳида ўтди.

ОАВнинг жамиятдаги роли

Унда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири А. Абдуразоқов ва русча нашр бўйича бош муҳаррири ўринбосари Д. Мадиев иштирокчиларга оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги роли, газетанинг бугунги фаолияти ҳақида сўзлаб беришди.

— Кейинги пайтда меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Муштарийлардан бир кунда 20-30 тагача хатлар келади. — деди бош муҳаррир А. Абдуразоқов. — Тахририят бу хатларнинг бирортасини беэътибор қолдирмайди.

— Газетанинг асосий мақсади меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилишдир, — деди бош муҳаррир ўринбосари Д. Мадиев. — Биз нафақат газета орқали, балки муштарийларни қизиқтирган саволларга тўғридан-тўғри жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Ушбу учрашувимиз ҳам ана шу мақсадда ташкил этилган.

Ўқув-семинар якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири



Тараққиёт ва фаровонлик манзаралари

Президентимизнинг 2006 йил 3 апрелдаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акционерлик компанияси ҳамкорлигида «Халқ ижодиёти поезди» тадбирларини ўтказиб келмоқда.

«Халқ ижодиёти поезди»

Ушбу анъана давом эттирилиб, жорий йилнинг 28 апрел — 7 май кунлари Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти бўйлаб «Халқ ижодиёти поезди» сафари уюштирилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат консерваториясида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Бу галги «Халқ ижодиёти поезди» таркиби ижодкор ёшлар ҳисобидан янада кенгайди — деди Республика халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори Уро-зали Тошматов. — Халқаро ва республика миқёсида ўтказилган танлов, фестивал ҳамда кўргазмалар ғолиблиридан ташкил топган ижодкорлар гуруҳи ўз дастурлари билан иштирок этишди. Ижодий сафар юқори савияда ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Шунингдек, ушбу тадбир жойларда истеъдодли ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, тадбир таниқли санъаткорлар учун одамлар ичига кириб бориш ва бевосита мулоқот шароитини яратса, чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли учун уларнинг санъатидан бевосита баҳраманд бўлиш имконини беради.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Бухоро» меҳмонхонасини қайта таъмирлаш учун Польша ҳукумати 5 миллион АҚШ доллари миқдоринда сармоя сарфлади. Эндиликда замонавий қиёфа касб этган «Гранд Бухоро» меҳмонхонасида барча шарт-шароит мавжуд.

«Гранд Бухоро» замонавий қиёфада

— «Тўрт юлдузли» мақомга эга ушбу иншоотда бир пайтнинг ўзига 228 нафар мижозга сифатли хизмат кўрсатиш мумкин. Жаҳон андозларига мос тарзда жиҳозланган ётоқхона, ювиниш ва дам олиш хоналари, ҳавони муътадил сақловчи мосламалар, замонавий алоқа воситалари, интернет тизимлари меҳмонлар хизматида, — дейди «Бухоротуризм» ҳиссадорлик жамияти касба уюшма қўмитаси раиси М.Мухаммедова.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Дўстлик кечаси

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамиятининг Қашқадарё вилояти бўлими ташаббуси билан Дехқонobod туманида дўстлик кечаси ўтказилди.

Ўзаро ҳамжихатлик ва аҳиллик тимсолига айланган тадбирда «Тошгузар-Бойсун-Кумқўрган» темир йўли қурилиши инфратузилмасини бунёд этишда қатнашаётган Япония, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Франция мамлакатларидан келган мутахассислар иштирок этидилар.

— Уртингизда қисқа муддатда ҳавас қилгулик ишлар амалга оширилди, — деди Япониянинг Шимидзэ-корпорейшн компанияси менежери Тетеуо Оиши. — Аср қурилиши ҳисобланган ушбу темир йўл давлат қудрати ва халқ бунёдкорлигининг ўзига хос тасдиғидир.

Кечада турли тилларда қўшиқлар янграб, дилтортар рақслар ижро этилди.

Иззат ҲИҚМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ҳамда маданият ходимлари касба уюшма ташкилотлари талаба-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Тармоқлар ходимларининг олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида таълим олаётган 17 нафар ихтидорли фарзанди касба уюшма стипендияларини олмақда.

Касба уюшма стипендияси

Шунингдек, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган 10 нафар кам таъминланган оила фарзандлари контракт пулларининг бир қисми корхоналар ҳисобидан тўланапти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Дастурига асосан, ҳоимлик мақсадида Амударё туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Маданият» КВП ҳамда Кегейли туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Жузин Бағ» КВПларига биттадан замонавий компьютер топширилди.

Миннатдормиз

Қорақалпоғистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тармоқ ходимлари касба уюшмаси кенгаши томонидан туманимиздаги КВПларга кўрсатилаётган бундай ёрдам учун миннатдорлик билдираемиз.

Л. БОЙСОИНОВА,
Қорақалпоғистон республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси кенгаши раиси



Таракқиётимиз байроқдорлари

«Ташаббус — 2009» республика босқичи иштирокчилари

ТОШКЕНТ ШАХРИ

— «Ташаббус — 2009» танловининг Тошкент шаҳар босқичида «Энг яхши хунарманд» йўналишида 1-ўринни, республика босқичида «Энг яхши устоз-шогирд мактаби» номинацияси ғолиблигини қўлга киритганидан жуда мамнунман, — дейди Файзуллахўжа Юсуфхўжаев.

Тошкентда таваллуд топган Файзуллахўжа Юсуфхўжаев хунармандчиликни дастлаб оиласида ўрганди. Чунки бутун оила ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланишарди. Файзуллахўжа усталар сулоласининг еттинчи вакили. 1995 йили мактабни тугатгач, Абулқосим мадрасасида катта усталар Ортик Файзуллаев, Акмал Азларов ҳамда акаси Фахриддинхўжа Юсуфхўжаевларга шогирд тушиб, хунарни янада пухта ўзлаштириш йўлидан борди. Ўз устида тинимсиз ишлаб усталар қаторига киришга муваффақ бўлди. Сўнг Собир Рахимов туманидаги Барокхон мадрасасида ишини давом эттирди. Хунарини бошқаларга ҳам ўргатиш мақсадида ёнига қизиқувчан ёшларни йиға бошлади. 1997 йили ўз корхонасини ташкил этиб, 30 дан зиёд шогирд тўплашга эришди. 2006 йилда хунармандлар уюмисига қабул қилинди.

Асосий фаолияти ёғоч ўймакорлиги буюмлари ясашдан иборат бўлган Файзуллахўжа эришган

— Агар, корхонамиз томонидан 2006 йилда 30 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2007 йилда


этиб, 2006 — 2007-йилларда 30 нафар шогирдга ўймакорлик сирларини ўргатдик.

Айни пайтда, устанинг ишлари юришган. «Хазрати имом» мажмуасига таширф буюрган хорижий сайёҳларнинг ҳам бу ердаги санъат

келмоқда. Жумладан, 2004 йили Собир Рахимов туманида 2-ўрин, 2006 йили Ҳамза туманида 1-ўрин, ўша йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида «Энг яхши экспортчи» йўналишида ғолибликни қўлга киритди. Бундан ташқари, 2008 йили танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 2-ўринни, 2009 йили 1-ўринни эгаллади. Ушбу танловнинг республика босқичида унга «Энг яхши устоз-шогирд мактаби» номинацияси ғолиблиги nasib этди ҳамда замонавий компьютер ва махсус диплом билан тақдирланди.

Кейинги пайтларда халқимизнинг бу санъат турига қизиқиши ортиб бормоқда. Мамлакатимиздаги кўпгина корхона, ташкилот ва дўконлар ҳам бу маҳсулотларни харид қилаяпти.

— Жорий йилда Собир Рахимов туманининг олтинта маҳалласидаги кам таъминланган оилаларга 6,5 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатдик. Бу каби эзгу ишларни келажакда ҳам давом эттираемиз. Бундан ташқари, тумандаги 24 ва 100-мехрибонлик уйларида ўз ҳисобимиздан ҳафтасига икки марта икки соатдан хунармандчиликка ихлоси баланд ёшларга дарс ҳам ўтаямиз, — дейди Файзуллахўжа. — Келгусида маҳсулотларимиз билан Ўзбекистонни дунёга танитмоқчимиз. Яна шогирдларимиз сафини янада кенгайтириб, кам таъминланган оила фарзандлари ва ногирон ёшларга ёғоч ўймакорлиги санъати сирларини ўргатмоқчимиз.



Жаннатмакон дивримизни шондорлар асрлар давомида тилидан бол томиб таърифланган. Серкуйиб заминимизда етиштирилаётган мевалар бугун дунёда машҳур.

Интиланганга топе ёр

Бу эса тадбиркорларимиз учун янгидан-яни имконият ва даромад манбаи ҳисобланади. Шу имкониятдан унмунли фойдаланётган тадбиркорларимиздан бири Рашид Пирматов раҳбарлигидаги «Sunny Raisins» агрофирмаси 2007 йили иш бошлаганига қарамай бир қатор ютуқларга эришди. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда ички ва ташқи бозорда сотиш билан шуғулланадиган агрофирма фаолият кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қилаяпти.

— 2007-2008-йилларда 6000 тонна майиз, 2400 тонна кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб хорижга экспорт қилдик, — дейди агрофирма раҳбари Рашид Пирматов. — Шунингдек, Самарқанд вилояти Булунгур туманида меваларни тозалаш, қайта ишлайдиган 1,62 млрд. сўмлик «FMS» ускунасининг санаот ишлаб чиқариш лийнясини сотиб олиб, ишга туширдик.

Агрофирма узумзорларни янада кенгайтириш, янги узум навларини селекциялаш ва кўпайтириш ҳамда Ўзбекистонда қайта ишланган мева-сабзавотларнинг жаҳон бозорига муносиб ўрин эгаллашини таъминлашнинг ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Албатта, Рашид Пирматовнинг «Ташаббус-2009» танловининг Тошкент вилояти босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши ғолиблиги бўлиши бежиз эмас. Бунинг зарарида агрофирма жамоатининг ҳам захматли меҳнати ётди.

Шавкат Халилилов мактаби

«Ташаббус— 2009» танловининг Тошкент шаҳар босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши, республика босқичида «Йилнинг энг муруватли тадбиркори» номинацияси ғолиби Шавкат Халилилов бугунги кунда ёшларни иш билан таъминлаш борасида ўзига хос мактаб яратди десак, муболага бўлмайди.

Тадбиркор 2003 йили Сирғали

туманида асосий фаолияти металл фурнитура жиҳозлари ва автомобил бутловчи қисмлари ишлаб чиқарадиган «Met-fur-servis» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Президентимизнинг қарорига биноан корхона 2005 йил январ ойидан

2007 йилда 883 млн. 639 минг 300 сўмлик маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берди. Ҳозир «Met-fur-servis» автомобил бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришда республика миқёсида етакчи ўринларда туради. Бу эса, ўз навбатида,

корхона миҳозлари сафининг янада кенгайишига олиб келаяпти.

— Фаолиятимизни 1999 йилда 14 нафар ишчи билан бошлаган бўлсак, айни вақтда корхонамизда 98 та иш ўрни яратилди. Низом жамғарамиз эса 300 млн. сўмни ташкил этмоқда, — дейди тадбиркор Шавкат Халилилов. — Режаларимиз катта. 2009 йили «Орзу» МЧЖ, «Анка» ўзбек-турк қўшма корхонаси, «Орзу-Осиё» МЧЖ, «Андихон пластик» МЧЖ, «Саратон Пласт» МЧЖ корхоналарига 100 млн. сўмлик 1 млн. 200 минг дона металл ва пластмасса фурнитураларини етказиб беришни мақсад қилиб қўйганмиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Хунарманд Зарифахон Баходированинг «Ташаббус—2009» танловининг Тошкент вилояти босқичида ғолиб чиқиши ҳамда республика босқичида «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли» номинацияси соҳибига айланishi ҳукуматимиз тавонида хунармандларга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг бир намунаси.

даги гуллар, ҳўл ва куруқ мевалар, жиҳоз учун сават ва паннолар тўқилмоқда. Шу билан бирга далаҳовлилар учун қўлай мебеллар, ошхона ва чойхоналар учун стол-стул, умуман 200 хилга яқин мол ишлаб чиқара-япмиз, — дейди Зарифа

келди. 50 га яқин ўсмирга бу соҳанинг сирларини ўргатди. Маҳоратли хунарманд бу ютуқлар билан чекланиб қолмоқчи эмас. Келгусида кўламини кенгайтириш, ишчилар сонини кўпайтириш, олган даромади ҳис-

Хунари бор ардоқда



Зарифа опа 2001 йили оилавий шароитда тол новдаларидан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Уч-тўрт йил каттиқ меҳнат қилди, тинимсиз изланди. Қўлда

тўқиш соҳасида тинимсиз тажрибасини ошириб борди. Натижада, кўп ютуқларга эришди. Олдин тол новдаларидан ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳаммининг эътиборига тушди. Ҳозир Зарифа опа бошчилигидаги «Хунарманд +» кичик корхонасида 34 киши фаолият кўрсатмоқда. — Айни кунда тол новдаларидан турли шакл-

Баходирова. — Тинимсиз тажрибасини ошириб борди. Натижада, кўп ютуқларга эришди. Олдин тол новдаларидан ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳаммининг эътиборига тушди. Ҳозир Зарифа опа меҳнати туфайли элга танилди. Ҳиндистон, Туркия, Миср, Чехия каби давлатларда бўлиб, икки томонлама фойдали шартномалар имзолаб

бидан Охангарон шаҳрида теннис корти куриш ниятида. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш учун керак бўладиган тол новдаларини кўпайтириш мақсадида катта ер майдонини олиб махсус боғ яратмоқчи. Бу эса ҳам экологияга фойда, ҳам хомашя манбаига айланади.



Саҳифани «Ishonch» муҳбирлари Нарзулла МАҲАМОВ ва Акмал ТОШЕВ тайёрладилар.

«Камол ота» камоли



Асқар Қобуловнинг «Камол ота» фермер хўжалиги Президент соврини учун бўлиб ўтган «Ташаббус—2009» танловининг Тошкент вилояти босқичида «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди. Бу бежиз эмас. 2008 йил якунига кўра хўжаликда боқилаётган қорамоллар сони 872 тага, қўй ва эчкилар сони 5010 тага, отлар сони 255 тага етди. Бу эса гўшт ва сутни қайта ишлаш, нон ишлаб чиқариш цехларининг самарали ишлашини таъминлаяпти. Айни пайтда фермер хўжалигида 25 киши ишлайди. — Истиқлолимиз шарофати билан барча соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли нафақат шаҳарларимиз, балки кишлоқларимиз ҳам янги-ча қиёфа касб этаёттир, — дейди «Камол ота» фермер хўжалиги раҳбари Асқар Қобулов. — Ҳозир кўпгина ишларни режалаштириб қўйганмиз. Жумладан, қўшимча иш ўринларини яратиш, янги техника ва технологиялар сотиб олиш орқали ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосий назаримиз ҳисобланади. Дарвоқе, «Камол ота» фермер хўжалигининг сўнгги икки йил мобайнида муҳтожларга 5 млн. сўмлик ёрдам кўрсатганлиги Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар қуни қилиши керак», деган фикрининг ёрқин ифодаси дейиш мумкин. Бундай фермерларимиз билан фахрланасан эрийди.

Эксклюзив интервью

Спорт: эътибор ва эътироф баҳси

Хотира турнири

Бу йил Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташкилотчилигида минни футбол буйича Эдуард Парсегов хотира-сига бағишланган республика турнирида илк бор солиблар аниқланади.



Эдуард Вениаминович купчиков касаба уюшмалари спорти ривожини йўлида меҳнат қилди. 1982 йилда «Пахтакор» кўнгилида спорт жамиятида раис ўринбосари бўлиб ишлаган, ундан

Эзулик унутилмайди

кейин ҳаётини касаба уюшмаси билан боғлаган пайтларда ҳам ўзининг бой тажрибаси билан ёшларга намуна бўлди. Ташкилотчилиги билан обрў қозонди. Чуқур билими жамоатчилик орасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб этиш, терма жамоаларга муносиб издошлар тайёрлашда асосли.

Парсегов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти раис ўринбосари сифатида спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишда бош-қош бўлди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. Меҳнатлари бесамар кетмади. Спорт фойдасига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилди. 2004 йилда «Экспресс» нишон билан таъдирланди.

24-26 апрел кунлари пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуасида ўтадиган биринчи хотира турнири иштирокчилари раис ўринбосари сифатида спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишда бош-қош бўлди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. Меҳнатлари бесамар кетмади. Спорт фойдасига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилди. 2004 йилда «Экспресс» нишон билан таъдирланди.

24-26 апрел кунлари пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуасида ўтадиган биринчи хотира турнири иштирокчилари раис ўринбосари сифатида спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишда бош-қош бўлди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. Меҳнатлари бесамар кетмади. Спорт фойдасига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилди. 2004 йилда «Экспресс» нишон билан таъдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Баҳодир ТОЖИЕВ билан суҳбат

(Боши 1-бетда)

— Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашининг V Курултойи кўп нарсаларга оид аниқлик киритди. Ютукларини янада кўпайтириш, камчилик-нуқсонларга муроасиз бўлиш юзасидан бир тўхтамаг келинди. Орадан салкам беш ой ўтди. Курултой қарорларини бажариш буйича амалга оширилган ишлардан кўнглингиз тўлаётми?

— Батамом кўнгли тўлиш деган тусунчанинг ўзи йўқ. Айниқса, бизнинг соҳада. Нафақат у ёки бу мусобақада мағлубият аламининг тотган спортчи, галаба шохсупасининг юқори поғонасига кўтарилган атлет ҳам янги марраларни, янада юксак чўққиларни кўзлайди. Бу — бизга ҳам тегишли. Курултойда спорт оммавийлигини янада ошириш, касаба уюшма аъзоларини спорт-соғломлаштириш ҳаракатига жалб этиш бўйича мажбурий имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани таъкидлаб ўтилган эди. Утган фурсат ичида муайян силжишлар кузатилди. Хусусан, Андижон, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бу ҳолни яққол сезиш мумкин. Лекин шунга қарамай, муаммолар қийинчилик билан ечим топаётганидан ҳам кўз юма олмаيمиз. Айниқса, бошланғич жисмоний тарбия ташкилотлари ҳамда жамиятнинг туман кенгашларини молиялаштириш сустигиغا қолмоқда. Натижада, кўнглина меҳнат жамоаларида белгиланган ўқув машғулотлари ва спорт ишлари аён-аён ўтказиладиган оммавий-спорт тадбирлари билан алмаштирилишига йўл қўйилмоқда.

Бу эса ўз-ўзидан касаба уюшма спортини ривожлантириш жамагармасини тузишга эҳтиёж уйғотади. Айни пайтда мазкур режани амалга ошириш юзасидан изчил ҳаракатлар кетмоқда. — Ташаббус икки кутбли бўлади. Биринсига юқоридан туртки берилса, бошқаси куйидан бошлади. Ҳар икки кўринишда ҳам изчиллик ва элбатта, кўлаб-қувватлаш талаб этилади. Хотима кўп жиҳатдан ана шу муносабатга боғлиқ. Шундан эмасми?

— Ўзингиздан қолар гап йўқ. Аждодлардан авлодларга қолиб келаётган таомил бу. Топпирилган ишни вақтида ва сифатли бажарган ҳодим ҳаммаша ардоқда. Агар у ташаббускор бўлса-чи? Баҳоси икки бараварга ортиб, кадр-қиммати янада юксалади. Яқинда Сурхондарё вилоятида яхши бир ишга қўл урилди. Яъни, «Вилоят аҳолиси ўртасида жисмоний

тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинди. Унда қатор муҳим масалалар ечими кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунининг бажарилиши ҳамда Вазирлар Мақамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 271-сонли қарори, шунингдек, «Соғлом авлод учун» Давлат дастури ҳамда мамлакатимиз раҳбарлигининг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёшга Олимпиада



ва XIV паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори ижросини фаолаштириш, аҳолининг кенг қатламларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш кўзда тутилган.

Ушбу қарорнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, эндиликда вилоятдаги бошқарма, ташкилот ва муассасалар ҳар бир марта ойлик иш ҳақи энг кам миқдорининг беш фоизини аъзолик бадалли сифатида касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига ўтказиб беради. Тушган маблағларнинг 50 фоизи вилоят касаба уюшмалари ЖТЖ кенгаши ҳисоб рақамига ўтказилса, қолган ярми ҳудудларда спортни ривожлантиришга сарфланади.

Бу каби ташаббуслар бутун республикамиз бўйлаб йўлга қўйилса, айни мuddао булар эди...

— Ёшларнинг баркамол бўлиб воға этиши, ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши хусусида кунда гапирамиз, баҳс-мунозараларга киришамиз. Аммо бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Ёдимизда, V Курул-

тойда айрим тармоқ Марказий кенгашлари бадал ўтказишда яқдиллик кўрсатмаётгани тилга олиб ўтилган. Аҳвол ўзгардимми?

— Молиявий масала шундай бир тугунки, уни ечиш учун нафақат омилкорлик, маълум мuddат ҳам керак. Биз ҳам ана шундан келиб чиққан ҳолда иш тутмоқдамиз. Айни пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамият аъзоларидан марказлашган ҳолда аъзолик бадаллари йиғишни жонлантириш бўйича ёрдам беришларини сураб, мурожаат қилганмиз. Олимпия захиралари Республика болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига ҳомийлик қўламини ошириш бўйича режаларимиз ҳам йўқ эмас.

— Буюклар кишлоқда туғилди, деган гап бор. Чайир, чапдаст, кучли спортчиларимизнинг кўпчилиги аслида вилоятларда бу борада муайян даражадаги саъй-ҳаракатларга кенг йўл очиб қўйилганлигидандир.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Вилоятларга иш юзасидан сафарга чиққан чоғларим бунга қайта-қайта ишонч ҳосил қиламан. Кишлоқларда спортни жон-дилдан севувчи ёшлар ниҳоятда кўп. Нафақат ёшлар, балки катта ёшдаги акагон-у отахонларимизнинг билаларидан куч ёғилиб турибди. Ким тўп тегган, ким теннис ўйнаган, ким тош кўтарган. Жуда бўлмаганда, шахмат донларини суриб ўтирган ҳолда кўп кузатганман.

Хеч бир муболагасиз айтишим мумкинки, «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури бу борада сифат ўзгариши бўлиши учун кенг йўл очиб берди. Бу йил чекка-чекка ҳудудларда Республика олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар мактабларимиз бўлимларини очилиши режалаштирганмиз.

Фабарингиз бўлса, август ойида Шахрисабзда қишлоқ меҳнатқашлари спартакиадаси ўтказилди. Марҳамат, спорт йўриқчиларимиз, қилни қирқ ёрдиган мутахассисларимиз келиб, ўз кўзлари билан кўришсин. Ажаб эмас, мусобақа иштирокчилари орасидан бўлажақ жаҳон ва олимпиада чемпионларини кашф этишди!

Бир сўз билан айтганда, спорт тадбирлари ҳўжақўрсинга эмас, ақсонча, тўлақонли, кенг жамоатчилиги жалб этган ҳолда ўтишига ҳозирданқ эътибор қаратмоқдамиз. Ишончимиз қомил, қаердаки астойдил ҳаракат бўлса, ўша жойда самара ҳам бўлади. Мақсадимиз битта — олимпия соғлом қўриш ва жаҳон ареналарида ўзлимизни муносиб намоён қилиш.

Суҳбатдош: Сайиддин РИХСИЕВ

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Исоқ бобо Қурбонов етмиш ёшда. Кўпни кўрган инсон. Мактаб директори бўлди, касаба уюшмалари тизимидagi жисмоний тарбия ва спорт жамиятини бошқарди. Бугунги кунда ҳам Иштихон тумани буйича ушбу вазифага масъул. Шунингдек, Иштихон маҳалласи фуқаролар йиғинининг кенгаши аъзоси, «Нуроний» жамагармасидаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқ.

Фарзандлари Фарҳод тадбиркор, Абдуҳаким ички ишлар соҳаси ҳодими, Олим республика Олимпия захиралари коллежида юнон-рум кураши бўйича бош мураббий, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси устози. Аъзам эса Иштихон туманидаги Марказий ўйингоҳ директори. Хирросима— 1994 Осиё ўйинлари ғолиби Баҳодир Қурбонов эса Тошкент шаҳридаги 14-сонли гимнастикага ихтисослашган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби раҳбари. Келини Оксана Чусовитинани эса таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Спорт гимнастикаси бўйича Олимпиада чемпиони, жаҳон чемпионати ғолиби. 1992, 1996, 2000, 2004, 2008 йилларда ўтган ёшга Олимпия ўйинлари иштирокчиси...

Қизлари Дилфуза, Нилуфар, Муҳаббат онаси изидан борди. Бир мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлса, иккинчиси ҳамшира... Рафикаси Болташ она Рузиева (раҳматли) умрининг сунгги кунларига қадр фаол меҳнат билан яшади. Бемор бўлса-да, ишлади, элнинг эзгу дуоси учун тиним билмади. Фарзандлари Баҳодир полвон, Олим полвон халқаро мусобақаларда зафар қучса, кўнгли тоғдай ўсди, ўғиллари сафарда эканида соғиниб-соғиниб йилгиди... Чемпионнинг онаси бўлиш ҳам осон эмаслигини ўғли спортчи бўлганда яхши билади. Ойлаб-йиллаб ўғлини кўрмаса-да, соғинчини ичига ютишга мажбур эди у. Хирросимада ўтган Осиё ўйинлари ғолиби, моҳир курашчи Баҳодир Қурбоновнинг Атланта — 1996, Сидней — 2000 Олимпиадаларидаги чиқилари оналорини қанчалар ҳаяжонга солганини таърифлаб бўларканми... Баҳодир Атлантада кучли ўнликка кирган бўлса, Сиднейда юқори туртиқдан жой олди.

Она оғир дард билан оғриди. Фарзандлари шифо истаб, пойтахтга олиб боришди. Вазият яхши томонга ўзгаравермагач, узоқ Германияда даволаш муолажалари олинди. Болташ онанинг аҳволи яхшиланди ва она диванга келиб, яна сеvimли иши — болалар боғчаси мудирлигини

ни давом эттирди. Бироқ касаллиқнинг навбатдаги курашида онани сақлаб қолишинг имкони бўлмади... Болташ она кир қир йил 3 ва 12-сонли мактабгача таълим муассасаларида раҳбарлик қилди, умрининг охирига қадр жажжиларга меҳр улашди.

Исоқ отанинг аҳолини ту-

Чемпионнинг отаси



шуниш қийин эмасди. Улар 2009 йил ёз фаслида Болташ онанинг кутлуг етмиш ёшини нишонламоқчи эдилар. Начора... Ёлғизлик инсонни қийнаб қўяди. Шунинг учун Исоқ бобо Иштихон шаҳридаги 33-ўрта мактабга жисмоний тарбия ва маданият ўқитувчиси бўлиб ишга кирди. — Шу соҳада ўқидим. Дастлаб Самарқанд жисмоний тарбия техникумини, сўнгра Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугатдим, — ҳижоя қилади отахон. — Отам курашчи-полвон эди. Менинг ҳам спортга меҳрим бўлакча бўлди. Мактабда ўқитувчилик қилдим, тумандаги 3, 28, 43-ўрта мактабларда раҳбарлик лавозимларида ишладим. — Юртимизда спортга берилаётган катта эътибор бир гайратимга ўн гайрат қўшади. Соҳанинг одами эмасманми, ўғилларим туманда спорт курашлари бўйича клуб оқмоқчи бўлганида хурсанд бўлиб кетдим. Туманда «Баҳодир полвон» спорт-соғломлаштириш марказини очди. Республика болалар спортини ривожлантириш жамагармаси замонавий кураш

Бугунги кунда марказда 200 нафардан ошди болалар эркин, миллий ва юнон-рум кураши бўйича мунтазам шугулланмоқда.

Марказнинг ташкил топангига эндигина айтилган йил бўлган бўлса-да, бу ердан Дилшод Сулаймонов, Шерзод Қурбонов, Акрон Исоков, Исломо Шодмонов каби республика чемпионолари, терма жамоа аъзолари етишиб чиқди. Республика Олимпия захиралари, Самарқанд ва Тайлоқдаги Олимпия захиралари коллежларида кўлаб ўқувчиларимиз тахсил олмақда.

— Маҳалладошларингизнинг айтишича, тумандаги Марказий стадионнинг қурилишида ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг очилишида ўзингиз бош-қош бўлган экансиз...

— 1976 йил эди, Иштихон туманининг ўша пайтдаги раҳбари Мурод Жўраев (марҳум) мени чақириб, болалар ва ўсмирлар спорт мактабини

дион керак бўлаётганини айтди. Саъй-ҳаракатлар зое кетмади. 1979 йилда туманимизда катта спорт зали ва Марказий ўйингоҳ қурилиб, фойдаланишга топширилди. Стадионнинг очилиш маросимида Тошкентнинг «Пахтакор» клубини тақлиф қилиб, маҳаллий жамоа футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ташкил этди. 1980 йилда бу ерда «Кузбасс», «Донбасс» жамоалари меҳмон бўлишганини ҳамон одамлар эслашади.

Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида тўп сурган «Миёнкал» футбол жамоаси уй уршувларини ушбу ўйингоҳда ўтказарди.

насида истироҳат боғи ҳам бор. Шунинг учун ўйингоҳ тақдирига бефарқ қарай олмаيمان. Ўйингоҳни қайта жорий таъмирлаш, тадбирларни ўтказишга тайёрлаш ишларини назорат қиламан.

— Исоқ бобо, сизни излаб борганимизда набираларингиз, «Бобом далага терак экани кетган» дейишди. Бу ёқда ўрта мактабда дарс берасиз, кураш залида машғулот ўтасиз. Болалар спортини ривожлантириш жамагармаси тадбирлари... Кўз тегмасин, бунча ишга қандай улгура-сиз?

— Нафақат спорт, балки қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ҳам мен учун қадрдон. Бир вақтлар Дўстлик туманида богдорчилик ҳўжалигида директор ўринбосари бўлиб ишлаган пайтимида ишчи-ҳодимлар ўртасида мусобақалар ташкил этардик. Шукурки, етмишга кирсам-да, соғлимдан нолимайман. Ҳар кун эрта тонг югураман. Қолаверса, дала ишлари, ҳаракатли инсонни янада тетиклаштиради. Ўғилларим билан соғломлаштириш мажмуасини барпо этишни режалаштирганмиз. Шугулланиш учун тренажёрлар, шейпинг хоналари ва бошқа қулайликларни яратиш ниятидамиз. Қурилиш ишлари тугаган, таъмирлаш жараёни кетмоқда.

Болташ онанинг Германияга даволанишга борганда Баҳодиржон немис диёрини томоша қилдирган экан. У ўшанда болалар боғчаларида жажж ўғил-қизларнинг спорт тўғрақларидида шугулланявганини кўриб, ўзи ишлайдиган боғчада, қолаверса, юртимиздаги бошқа мактабгача таълим муассасаларида ҳам спорт тўғрақларини жорий этиш орузини ҳаёдан ўтказибди. Оламдан ўтаётганида фарзандларига, бизга ўзи 20 йилдан ортқ мудирлик қилган тумандаги 33-сонли Кўлма спорт машғулотларини йўлга қўйишни, боғчани спорт йўналишига ихтисослаштиришни васият қилди.

Бугунги кунда ушбу орзунинг руви учун ҳаракат қилганимиз. Мактабгача таълим муассасасининг Низомига ўзгартириш киритдик. Бу ерда бадиий гимнастика, акробатика, кураш турлари бўйича тўғрақларни оялганимиз. Бизда ҳам ҳориждаги каби имкониятлар бор. Шунинг учун юрт доғрубини дунёга ёядиган жажжи ўғил-қиз спортчиларини тарбиялашни ният қилганмиз.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири




Зилзила оқибати



17 апрелга ўтар кечаси Афғонистоннинг Нангархар вилоятида 5,5 ва 5,1 балли иккита зилзила юз берди. Маҳаллий маъмуриятнинг маълумотига асосланган ҳолда «France-Presse» агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, табиий офат натижасида 22 киши ҳалок бўлган, 30 га яқин киши жароҳатланган. 200 дан зиёд уй хароба ҳолига келган. Жабрланувчиларга ёрдам бериш учун вилоятга миллий армия аскарлари юборилган.

Дастлабки келишув имзоланди



Германиянинг RWE энергетика компанияси Марказий Осиё газини Европага етказиб бериш бўйича Туркменистон ҳукумати билан дастлабки келишувга эришди. RWE ижрочи директори Юрген Гроссманнинг гапига қараганда, шартномада Каспий денгизиде нефть ва газ қидириш ҳам назарда тутилган.

RWE «Nabucco» газопроводи қурилиши билан шугулланувчи консорциумнинг аъзоси ҳисобланади. Режа амалга охса, Каспий денгизи ва Марказий Осиё газини Россияни четлаб ўтиб, Туркия ҳудуди орқали Европага етказиб берилади. Таъкидлаш жоизки, 2008 йили Европанинг 22 мамлақати ва Туркия ишлатган газнинг умумий ҳажми тахминан 520 млрд. м³ га етган. Италиядаги истеъмолчиларнинг 30 фоизи, Туркиядагиларнинг 66 фоизи, Германиядагиларнинг эса 43 фоизи Россиянинг «Газпром» компанияси етказиб берган газдан фойдаланади.

Кўринг, ҳавас қилинг...




Номаълум меценат охириги бир неча ҳафта мобайнида Американинг турли университетларига 45 млн. доллар эҳсон қилди. Бу ҳақда AP агентлиги хабар тарқатди.

Барча эҳсонлар учинчи шахслар ва ҳар хил юридик фирмалар орқали берилган. Шунингдек, меценат университетларга хат ҳам йўллаб, маблағларни асосий қисмини талабаларнинг ўқиш харажатларини қоплашга, қолганини эса асбоб-ускуналар олиш ва тадқиқот ўтказишга сарфлашни сураган.

Университетлар вакилларининг айтишича, бунча ҳатта микдорда эҳсон олиш улар учун кутилмаган ҳол бўлган. Масалан, 6 млн. доллар олган Жанубий Миссисипи университети тарихда ҳали бунақаси бўлмаган эди.

...Узо-о-оқ ёнди



«Интерфакс»нинг хабар беришича, Санкт-Петербургдаги «Золотой ключик» қандалот фабрикасида 17 апрелга ўтар кечаси юз берган кучли ёнғин 2500 м² майдонни қоплаб олиб, 6 соатдан кўпроқ давом этди. Уни ўчиришда 20 та маҳсуус техника қатнашди.

Ёнғиндан ҳеч ким жабрланмаган. Офат сабаблари аниқланапти.

Осмондаги суиқасд



Канаданинг шимолидаги Йеллоунаф шаҳридан Кембриж Бэй кўрғонига парвоз қиладиган икки моторли «Veechcraft King Air 200» самолёти бортида икки учувчи ва икки йўловчи бор эди. Манзилга етишга 180 км қолганда, йўловчилардан бири ҳамроҳларининг қарши метрга қарамай самолёт эшигини очган, деярли 7 минг метр баландликдан ўзини ерга ташлаган.

Айни пайтда полиция унинг ҳасадини қидирмоқда. Йигирма яшар йўловчининг нега бундай қилганлиги маълум эмас.

Эшикни ёпишнинг иложи бўлмаётган Арктиканин совуқ ҳавоси қоплаганилиги учун кўниш жуда мураккаб кечди. Хусусий авиакомпания бош директори Пол Лазерих мураккаб шароитда бортадаги иккинчи йўловчининг ҳаётини сақлаб қолганлиги учун учувчиларга миннатдорчилик билдирди.

Интернет хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгашининг собиқ раиси Эркин Эргашевга онаси

ОЙША МОМОНИНГ вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Юлдашев Лутфулла (марҳум) номига берилган Шайхонтоҳур тумани, Дархон, Тўзтор бекр кўчаси, 6-ўй ражаси БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

